

5. Bezdarabov B.M. Bolezni s-x ptisi v razvivayushixsya stranax. Moskva. 2006.
6. Barishnikov S.A. Lekarstvenniye sredstva v profilaktike. Sokolov A.V. bolezney broylerov. Ekspress informatsiya «Noviye veterinarniye preparati i kormoviye dobavki». St.Peterburg. 2001.

УДК 619.616.989.2.75

БУЗОҚЛАРНИНГ АРАЛАШ БАКТЕРИАЛ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ДАВОЛАШ САМАРАДОРЛИГИ

Элмуродов Б.А., Абдалимов С.Х., Шералиева И.Д., Наврузов Н.И.

Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация: Мазкур мақолада Республикамизнинг баъзи вилоят хўжаликларида айниқса фермер хўжаликларида бузоқлар орасида кўп учрайдиган ёш моллар юқумли аралаш касалликларини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш борасида маълумотлар келтирилган. Бу эса хўжалик мутахассисларига касалликни аниқлашда ва даволаш, олдини олишда қулай имконият яратди.

Калит сўзлар: Пастереллёз, сальмонеллёз, колибактериоз, даволаш, эпизоотология, микробиология, патанатомия, клиник белгилар.

Кириш. Республикамиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи бўлган чорвачиликни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиш ва уни етарли даражада маҳаллий ресурслардан ишлаб чиқилган ҳамда кенг доирада фойдаланиш мумкин бўлган ветеринария доридармонлари билан таминлаш бугунги кунда ветеринария фаолиятининг муҳим вазифаларидан биридир.

Мамлакатимиз аҳолисининг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондиришда чорва молларининг турли касалликлардан ҳимоялаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда ветеринария тадбирларини ўтказиш катта роль ўйнайди.

Ёш хайвонлар орасида содир бўладиган юқумли касалликлардан пастереллёз, сальмонеллёз ва колибактериоз жуда катта иқтисодий зарар келтириши чорвачиликда муҳим муаммо бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунда Республикамизнинг Қорақалпоғистон Республикаси туман хўжаликларида, Навоий вилоят хўжаликларида ва Жиззах вилояти туман хўжаликларида мазкур касалликлар кенг тарқалганлиги аниқланди. Мазкур соҳани тараққиёти учун қишлоқ хўжалик хайвонлари орасида учраб турадиган юқумли касалликлар билан самарали курашиш бўйича чора-тадбирларнинг янгиларини яратиш ва тадбиқ этиш лозимдир. Ёш моллар юқумли касалликлари чорвачилик учун энг катта хавф бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари: Ўзбекистон ветеринария илмий тадқиқот институти Ёш моллар касалликларини ўрганиш лабораториясида 15 бош бузоқларда гипериммун қон зардобининг даволаш таъсир механизми ўрганилди.

Бунинг учун 15 бош бузоқлар 3 бошдан 5 гуруҳга бўлиб ўрганилди. I-гуруҳ бузоқларга E.coli 10 млрд микроб хужайраси миқдорида тери остига юқтирилди, даволаш мақсадида касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлгандан сўнг гипериммун қон зардобининг 1 кг тирик вазнига 2 мл миқдорида мускул орасига юборилди. II- гуруҳ бузоқларга Sal. dublin қўзғатувчиси 10 млрд микроб хужайраси тери остига юқтирилди. Даволаш мақсадида клиник белгилар пайдо бўлгандан сўнг гипериммун қон зардобининг 1 кг тирик вазнига 2 мл миқдорида юборилди. III- гуруҳ бузоқларга Past. haemolytica 10 млрд м.х. тери остига юқтирилди. Даволаш мақсадида гипериммун қон зардобининг 1 кг тирик оғирлигига 2 мл миқдорида мускул орасига юборилди. IV-гуруҳ E. coli, Sal. dublin ва Past. haemolytica 5 млрд дан жами 15 млрд микроб хужайраси миқдорида тери остига юқтирилди. Даволаш мақсадида касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлгандан сўнг 1 кг тирик вазнига 2 мл миқдорида гипериммун қон зардобини юборилди. V-гуруҳ назорат бўлиб, ушбу гуруҳга E. coli, Sal. dublin ва Past. haemolytica 5 млрд дан жами 15 млрд микроб хужайраси миқдорида тери остига юқтирилди. Гипериммун қон зардобини билан даволанмади (жадвал №1). Шундан сўнг барча бузоқларда касалликнинг клиник белгилари ва патоморфологик ўзгаришлари ҳамда даволаш таъсир механизми ўрганилди.

Биринчи гуруҳ бузоқларда касаллик кўзгатувчилари юктирилгандан 4 соат ўтгач тана ҳарорати $40,5^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши, пульс ва нафас олишнинг тезлашиши кузатилди. Касалликнинг иккинчи кунин, ҳолсизланиш ич кетиш белгилари намоён бўлгандан сўнг гипериммун қон зардобининг 2 мл.кг миқдорида ҳар қайси бузоқда даволаш ўтказилди. Даволашнинг 6 – 7 кунлари барча бузоқлар соғайиб кетди.

Иккинчи гуруҳ сальмонеллалар юктирилган бузоқларда ҳам касалликнинг 2- кунидан ҳансираш, ҳолсизланиш, нафас олишнинг тезлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши кузатилди. Шундан сўнг 3 кун давомида гипериммун қон зардоби билан даволаш ўтказилди, мазкур гуруҳдаги барча бузоқлар соғайиб кетди.


Жадвал №1. Бузоқларда аралаш бактериал касалликларни даволаш самарадорлигини ўрганиш.

Гуруҳлар	Ҳайвонлар бош сони	Кўзгатувчилар тури	Касаллик кўзгатувчиларини юктириш миқдори млрд	Юбориш жойи	Гипериммун қон зардобини қўллаш миқдори	Гипериммун қон зардобини юбориш жойи	Натижа		Самарадорлик фоиз
							Касалланди	Ўлди	
I	3	E.coli	10 млрд	Тери остига	2 мл.кг	Мускул орасига	3	0	100
II	3	Sal.dublin	10 млрд	Тери остига	2 мл.кг	Мускул орасига	3	0	100
III	3	Past. haemolytica	10 млрд	Тери остига	2 мл.кг	Мускул орасига	3	0	100
IV	3	E.coli+Sal.dublin+ Past. haemolytica	5+5+5=15 млрд	Тери остига	2 мл.кг	Мускул орасига	3	1	66
V	3	E.coli+Sal.dublin+ Past. haemolytica	5+5+5=15 млрд	Тери остига	-	-	3	3	0

Учинчи гуруҳ бузоқларда ҳам ҳолсизланиш, озуқадан бош тортиш, ҳансираш, бурундан суюқликнинг оқиши, юрак уришининг тезлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши каби клиник белгилар пайдо бўлгандан сўнг даволаш курси ўтказилди. Даволашнинг 7 – 8 - кунлари барча клиник белгилар йўқолиб аста-секин барча бузоқлар соғайиб кетди.

Тўртинчи гуруҳ бузоқларда клиник белгилар бироз мураккаб бўлиб, уларда иштаҳанинг йўқолиши, ҳолсизланиш, кўп ётиш ҳолатлари, тана ҳароратининг $41,5 - 42^{\circ}\text{C}$ гача кўтарилиши, нафас олишнинг тезлашиши, хириллаш, бурундан шиллимиш суюқликнинг оқиши, йўталиш, ич кетиш, айрим бузоқларда тери ости шишлар ҳосил бўлиб, оқсаш белгилари намоён бўлди. Шундан сўнг гипериммун қон зардобининг 2 мг кг миқдорида даволаш ишлари ўтказила бошланди, касалликнинг 5- кунда 1 бош бузоқ касалланиб ўлди. Қолган икки бош бузоқларда аста-секин клиник белгилар йўқолиб, улар соғайиб кетди. Бешинчи гуруҳ (назорат) – касалликлар ўткир оқимда ўтиб, жуда оғир ва мураккаб клиник белгилар намоён бўлди. Ич кетиш суюқ бўлиб, баъзиларида қонли ва йирингли, шунингдек нафас олишнинг кучайиши, юрак уришининг тезлашиши, тана ҳароратининг кўтарилиши натижасида касалликнинг 7- куни ҳолсизланиб 1 бош бузоқ, 9- куни эса 2 бош бузоқлар ўлди.

Диаграмма №1. Бузоқларда аралаш бактериал касалликларни даволаш самарадорлиги



Шундай қилиб, қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг колибактериоз, сальмонеллез ва пастереллез касалликларига қарши гипериммун қон зардобининг самарадорлиги ўтказилган тадқиқотлар натижасида биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳ бузоқларда 100 фоиз самарадорликка эришилган бўлса, учта касаллик кўзгатувчилари юктирилган бузоқларда 66 фоизни ташкил этди. Назоратдаги бузоқлар барчаси ўлди. Кўрсатилган фоизлар ҳайвонлар бош сонига нисбатан олинди (Диаграмма №1).

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш лозимки пастереллез ва диплококкоз касаллигини олдини олиш Пастереллез ва Диплококкозга қарши ГОА формал вакцина билан қўй ва қўзиларни ўз вақтида эмланса касалликнинг олди олинади. Шунинг учун ҳам касалликни даволагандан кўра олдини олган маъқул.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бурлуцкий И.Д., Япаров Э.Э., Тўракулов "Основы профилактики и лечения болезней молодняка". Меры борьбы и профилактики болезней животных в Узбекистане, Ташкент – 1991 – с. 17-20.
2. Джупина С.И. Факторные инфекционные болезни животных. Журнал «Ветеринария» М., 2001. :3 с. 6-9.
3. Ибадуллаев Ф.И. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патологик анатомияси. Дарслик, "Ўзбекистон", Тошкент 2000 йил.
4. Ибадуллаев Ф.И., Абдусаттаров А., Кулиев Б. "Патоморфологический изменения каракульских ягнят при экспериментальной пневмонии". Профилактика и меры борьбы с болезнями сельскохозяйственных животных в условиях Узбекистана. Тошкент-1989 с. 16-20.

УДК: 619:615:636.2

КАРАТЭ ПРЕПАРАТИНИНГ ЎТКИР ЗАХАРЛОВЧИ АСОСИЙ МИҚДОРИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Салимов Ю., Фармонов Н., Холиков А.

Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Аннотация: Ушбу илмий мақолада каратэ пиретроидли препаратининг лаборатория ва қишлоқ хўжалик ҳайвонлари организмга таъсиридаги ўткир захарловчи миқдори кўрсаткичлари ва унинг хавфлилик даражаси тадқиқотлар натижасида аниқланиб берилган.

Калит сўзлар: пестицид, пиретроид, каратэ, препарат, LD_{50} .

Мамлакатимизда чорвачиликка ихтисослашган шахсий, деҳқон фермер хўжаликларида мавжуд бўлган қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларни касаллик чақирувчи эктопаразитлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳозирги пайтда пиретроидли препаратлар амалиётда кенг қўлланилмоқда. Асосан ветеринария амалиётида қўлланилаётган сунъий пиретроидлардан: каратэ (Англия), суми-альфа (Япония), суперкиллер – Е (Жанубий Корея), нео-стомозан (Венгрия), Циперметрин (НЭКЗ, Ўзбекистон), циракс (НЭКЗ, Ўзбекистон), суми-альфа (НЭКЗ, Ўзбекистон) ва бошқа шу каби препаратлар асосий ўринни эгаллайди.

Ушбу препаратларни ветеринария амалиётида қўлланилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг ҳайвонлар ва паррандалар организмга таъсир этишидаги захарлилик ва хавфлилик даражасини билишимиз зарур ва амалий жиҳатдан талаб этиладиган вазифалардан биридир. Шу мақсадда бизлар юқорида номлари кўрсатиб ўтилган пиретроидлардан бири бўлган каратэ препаратининг ўткир захарловчи ва хавфлилик даражасини аниқлаш мақсадида, турли хил лаборатория ва қишлоқ хўжалик ҳайвонларида тажриба тадқиқотлари ўтказдик.

Тадқиқот материаллари ва методлар: Куёнлар, қорақўл қўйлари, каратэ препарати: Пиретриоднинг ўртача ўлдирувчи миқдор кўрсаткичларини Б.М. Штабский ва бош. (1980) ва унинг захарлилик ҳамда хавфлилик даражасини эса Л.И. Медведь ва бош. (1974) усулларида фойдаланилган ҳолда аниқланди.

Тадқиқот натижалари: Каратэ пиретроидли препарати (Англия) билан тажрибалар, тирик вазни 2-2,5 кг ли 4-6 ойлик, 20 бош шиншилла куёнлари ва 1,5 ёшдаги, турли вазни 22-25 кг ли 9 бош қорақўл қўйларида ўтказилди.

Олдиндан 8 бош куёнда ва 3 бош қўйда, бир марталик оғиз орқали ичга, мг/1кг тирик